



КОРХОНАЛАРДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР МАНЗИЛЛИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислохотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Махсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда стандартларнинг 43 фоизи халқаро меъёрлар билан уйғунлаштирилиб, уларнинг сони 12 мингтага етказилди. Бундай ишлар натижасида экспорт имкониятлари кенгаймоқда.

Мисол учун, 21 та корхонада тўқимачилик ва трикотаж товарларига Европанинг "ОЕКО-Тех" ва "Sedex" стандартлари жорий қилинди. Жумладан, Андижондаги "Samo Textile" Европа бозорларида 5 миллион долларлик махсулот билан чиқди. Бухородаги "Bukhara Cotton Textile" МЧЖ ҳам АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Туркияга 5 миллион долларлик экспорт қилди.

Шунингдек, маиший техника, кабель, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда 17 турдаги махсулот хавфсизлигини тасдиқловчи машҳур "CE" маркировкаси жорий этилгани натижасида Европанинг 8 та давлатига экспорт бошланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Йил охиригача озик-овқат, металлургия, енгил саноат бўйича 14 та лаборатория модернизацияси якунланади.

Йиғилишда шу пайтгача бажарилган ишлар натижадорлиги таҳлил қилиниб, галдаги муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзстандарт" агентлигини миллий орган макромига олиб чиқиш, корхоналарда янги стандартларни манзилли жорий қилиш асосий вазифа эканини таъкидлади.

— Миллий стандарт "овози жаранглаши"га эришишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. Келгуси йил якунига қадар халқаро стандартлар сонини 14 мингтага, уйғунлик даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси белгиланди.

Мутасадди вазирлик ва уюшмаларга тўқимачилик корхоналарида "ОЕКО-Тех" меъёри, электр техникаси тармоғида "CE" маркировкаси ҳамда қишлоқ хўжалигида "Global G.A.P." ва "Organic" тизимларини қўллашни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Халқаро стандартларни татбиқ қилаётган корхоналарга кўмаклашиб, бунга кетадиган харажатнинг бир қисмини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш муҳимлиги таъкидланди.

— Агар махсулот халқаро сертификатга эга бўлмаса, у ҳеч қачон рақобатбардош бўла олмайди. Мамлакатда ҳар бир тадбиркор стандартни билиши, таниши керак, шундай муҳит яратиш зарур, — дея таъкидлади Президент.

"Ўзстандарт" агентлигига автотомобиль компонентлари, кимё, озик-овқат, қурилиш материаллари тармоқларида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган "йўл хариталари" ишлаб чиқиш топширилди.

Дунёда завод ва фабрикалар ўз махсулотларини бозор талабларини асосида такомиллаштириб боради. Шу тажрибадан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар имкониятини чеклаётган меъёрларни ихтиёрийга ўтказиш кераклиги қайд этилди.

5 мингдан зиёд эски стандартларни бекор қилиш, махсулотлар хавфсизлигини таъминлаш техник регламентларини Европа ва

Евроосиё иқтисодий иттифоқи талабларига мослаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга, сифатсиз импорт товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида хавфсизлик талаблари сони ва қамрови оширилади.

Йиғилишда Президент "Ўзстандарт" агентлигининг халқаро стандартлаш ва метрология ташкилотларидаги иштирокини фойдаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Мазкур агентликка Европа иқтисодий комиссияси техник кўмитаси билан қуртилган мевалар бўйича келишувга эришиш, келгуси йилда Халқаро аккредитация форумига тўлақонли аъзо бўлиш вазифаси қўйилди.

Соҳага доир илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси йилдан Тошкент давлат техника университети билан энергия самарадорлиги, Кимё технологиялар институти билан қишлоқ хўжалиги махсулотлари генетикаси, Тўқимачилик институти билан синтетик тоғалар, Илғор технологиялар маркази билан ҳамкорликда биологик фаол кўшимчалар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлиги айтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий метрология институтида қурилиш материаллари, сув тежовчи ҳамда ахборот технологиялари бўйича кафедралар ташкил этилиши белгиланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий ишланмаларга жаражат ахжратида.

Йиғилишда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан тақдимот ўтказилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“ЛАЗГИ” ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган "Хоразм лазги рақси" ўзига хос икром услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир. ЮНЕСКО томонидан "Хоразм лазги рақси" инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганлиги ҳам унинг бетакорор санъат эканлигидан далолат беради.

"Хоразм лазги рақси" санъатининг асрий аъёналарини сақлаш ва ривожлантириш, рақс санъати орқали халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик қўламини ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг **2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба 25-30 апрель кунлари Хива шаҳрида "Лазги" халқаро рақс фестивалини** (кейинги ўринларда — Фестиваль) ҳамда унинг доирасида халқаро **илмий-амалий конференцияни** ўтказиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:
"Лазги" халқаро рақс фестивалига **тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита) **таркиби** 1-иловага мувофиқ;

"Лазги" халқаро рақс фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. **Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Маданият вазирлиги** Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул органлар этиб белгилансин.

4. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Хоразм вилояти ҳокимлиги:

2021 йил 1 декабрга қадар тажрибали режиссёр, таниқли санъаткор, продюсер, композитор, шоир ва соҳангир малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийи ва бадий дасурларини тайёрласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 февралга қадар** Фестиваль ва унинг доирасида ўтказиладиган **"Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни"** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда (кейинги

ўринларда — илмий-амалий конференция) хорижий мамлакатлардан иштирок этадиган рақс санъати усталари, муסיқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантирсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги Фестивални **ЮНЕСКО шафелиги остида** ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, "Ўзбекино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси ва "Ўзтўқимачилик-саноат" уюшмаси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Хива шаҳридаги **"Ичан-қалъа" мажмуаси** ҳудудида рақс санъати оид кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намоиши ҳамда уларнинг савдоси ташкил этилишини;

Фестиваль дастурини ишлаб чиқиш ва унинг Фестивалдан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилиши, Интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қуйидаги тартибда қўланади:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Маданият вазирлигига маданий тадбирлар учун ҳар йилги ажратиладиган маблағлар ҳисобига;

30 фоизи — Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети, ҳомиёлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига.

8. Мазкур қарорнинг ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Бош вазир уринбосари, Ташкилий кўмита раиси Б.Мусаев — Фестиваль ва унинг доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференцияни юқори бадий ва илмий савияда ташкил этилишини таъминласин;

Бош вазирнинг уринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси А.Абдуҳақимов — Фестивални туризм календарь режасига киритиш, унга хорижий сайёҳларни жалб қилиш ҳамда Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жойларни олдиндан банд қилиш чораларини кўрсин;

маданият вазирини О.Назарбеков — муסיқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорларни жалб қилган ҳолда Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийи ҳамда бадий дасурларини юқори савияда ишлаб чиқсин;

Хоразм вилояти ҳокими Ф.Эрманов — Хива шаҳрида ободонлаштириш ва кўламли ривожлантириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган саҳна майдонлари ва залларнинг талаб даражасида тайёрланишини ҳамда "Ичан-қалъа" мажмуаси ҳудудида рақс санъати оид кўргазмалар ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги — Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб босин.


9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 сентябрь

Интервью



Сифат ва рақобатбардошликни ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш муҳим

Ўзбекистон жаҳон бозорига дадил юзланар экан, бу жараёнда ҳар бир махсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда стандартларнинг 43 фоизи халқаро меъёрлар билан уйғунлаштирилиб, уларнинг сони 12 мингтага етказилди. Бундай ишлар натижасида экспорт имкониятлари янада кенгайди.

Президентимиз томонидан жорий йил 28 сентябрь куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислохотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган йиғилишда маиший техника, кабель, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда 17 турдаги махсулот хавфсизлигини тасдиқловчи машҳур "CE" маркировкаси жорий этилгани натижасида Европанинг 8 та давлатига экспорт бошлангани ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, йил охиригача озик-овқат, металлургия, енгил саноат бўйича 14 та лаборатория модернизацияси якунланиши таъкидланди.

Йиғилишда шу пайтгача бажарилган ишлар натижадорлиги таҳлил қилиниб, галдаги муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда

Бугуннинг ўйлари

ЖАҲОН ЖАҒОЛАРДАН ХОЛИ БЎЛҒАЙ

Жорий йилнинг 23 сентябрь куни БМТ минбаридан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек тилида нутқ сўзлади! Бу хабарни эшитган юрдошларимиз қалбига ғурур ва ифтихор тўлди. Ана шундай сурурли дамларда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров билан суҳбатлашдик.

— Устоз, куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан илк марта ўзбек тилида нутқ сўзлагани барчамизнинг кўнглимизга чуқур ҳаяжон бағишлади. Президентимиз нутқини тинглаган пайтингизда кўнглингиздан нималар кечди?

— Баъзан осмонлар ғоят баланд, тиник, рафеъ, барокатли ва осойишта бўлади. Одамлар ўртасида ишлар ҳам, сўзлар ҳам, фикрлар ҳам, интилиш, изланишлар ҳам шунга яраша бир қувват касб этади. Назаримда шу кунлар Ўзбекистонда шундай. Сўзлар, фикрлар, ниятлар масаррат ҳазойинларига кирди ва келажак ҳаётимурасалардан дарак бермоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг тантанали анжуманида сўзлаган онлайн нутқи

тилларда! Худди Зулфия опамизнинг: "Хуррият келдинг! Нихоят келдинг! Истиклол ва истиқбол қаби", деган лўнда буюк сўзларидай оҳангда жаранглаган ва ўша шоирона суръатда дунёга таралган бу нутқда барча ташаббуслар, барча ғоялар, барча тақлифлар тўла ҳолда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мувоза ва уйғун бўлди. Шунинг учун улар бари минтақавий моҳиятдан ортиб, глобал яхлит қиммат касб этди. Энди Зулфия опамизнинг "Хуррият келдинг истиқбол бўлиб!" деган сўзларининг ижтимоий, инсоний, миллий ва умуммиллий маъноси очилди. Чунки истиқлол бўлмаса, бу ташаббуслар қайда эди. Истиқбол туйғуси бўлмаса, бу ташаббуслар халқаро имдод топармиди.

Давоми 6-бетда



Ҳақим йўлдошев оғани сураг.

Юртимиз фидойилари



ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЛОЛАХОН МУРОВА ДАЛАСИДА

Олтиариқ фарзанди Лолаҳон Муротова бу обрў-эътибор, ҳурмату иззатга ўз-ўзидан эришгани йўқ, номи ҳам ўз-ўзидан машҳур бўлиб кетмаган. Бунинг замирида фақат ҳалол меҳнат, эл-юртга, ватанга садоқат ётибди.

Ёшлик йилларидан бери қанча-қанча сувар оқиб ўтмади, қанча-қанча дарахтлар экиб қўқартирилмади, қанча-қанча ёшлар ўсиб улғаймади дейсиз. Унинг йиллар давомида қилган меҳнати элга сингди, қанча-қанча ақл-идроки ҳосилдорликни ошириш йўлига сарф этилди, қалб кўрини, билак кучини ҳосилни мўлқул қилишга сарфлади.

Лолаҳон Муротова ҳеч қутмаган эди шундай улғун номига. Ўзбекистон Қаҳрамони деган олий унвонга сазовор бўлишини. Бахт ҳам ғойибдан келар экан. Опага бахт қўшқўллаб ато қилинган экан, олий унвонга сазовор бўлди.

Олтиариқ марказидан Ўзбекистон фахрийлари санаторийисига кетадиган йўлдан

бораётиб Белариқ деб ёзилган кўрсаткичдан ўнг томонга юрсангиз кўп ўтмай атрофи мўъжазига мевазор боғ билан ўралган дала шийпонига кўзингиз тушади. Опа шу атрофда доимо дала айланчи юрган ёки шийпонда ишчилар билан суҳбатлашиб ўтирган бўлади. Ишдан сўрасангиз ҳазиломуз қилиб "шу далалар — Лолаҳоннинг севигилси, экинлар эса фарзандлари", деб кўяди. Ҳақиқатан ҳам ҳаётининг мазмунига айланган шу далалар опа учун оппоқ тоғлар, орзу-умидлар, келажак билан боғлиқ эзу тилақлар масканига айланганини сиз ҳам кўп ўтмай англай бошлайсиз.

Давоми 2-бетда

Интервью



Бошланиши 1-бетда

Сифат ва рақобатбардошликни ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш муҳим



Дилшод САТТОРОВ,
Ўзбекистон
стандартлаштириш,
метрология ва
сертификатлаштириш
агентлиги бош директори:



Азиз БОИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
инвестициялар
ва ташқи савдо вазирининг
биринчи ўринбосари:

— Президентимизнинг халқаро аккредитацияга чиқиш борасида белгилаб берган асосий вазифаларидан бири сифат инфратузилмаси муҳитини яратишдир. Шу билан рақобатбардошликка эришиш, экспортни юқори кўрсаткичлар билан амалга оширишни таъминлаш, юқори малакали кадрлар етиштириш ва бу жараёнларни тизимли равишда давом эттириш зарурлиги қайд этилди. Қолаверса, замонавий лабораторияларни ташкил этиш, саноат корхоналарида юқори метрология ўлчовларни жорий қилиш, юқори технологик ускуналар

билан синов лабораторияларида илмий-инновацион тадқиқот ишларини олиб бориш каби вазифалар ҳам қўйилди.

Тармоқларда стандартларни жорий этишни тезлаштириш, уйғунлашган халқаро стандартларни ишлаб чиқаришга йўналтиришни жадаллаштириш бўйича топшириқлар белгиланди. Амалдаги қонунларимизни халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш ва, албатта, қонунларни ишлаб чиқарувчиларнинг қатнашишини таъминлаш ҳам кун тартибига қўйилди.

— Йиғилишда халқаро стандартларни татбиқ қилаётган корхоналарга кўмаклашиб, бунга кетадиган харажатнинг бир қисmini Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш муҳимлиги таъкидланди. Жорий йилнинг ўзига 2 300 дан ортиқ тадбиркорга 15 миллиарддан зиёд сертификатлаштириш, 18 миллиарддан зиёд стандартлаштириш бўйича харажатлар қоплаб берилгани айтиб ўтилди.

Бу эса тадбиркорларимизга янада қулайлик яратади. Замонавий лабораториялар очилса, нафақат маҳсулотнинг экспорт

салоҳияти ошади, балки уларнинг импорт ўрнини босувчи рақобатбардошлиги ҳам кучаяди.

Айтиш керакки, Президентимизнинг топшириғи билан Ҳукумат комиссияси ташкил қилинди. Бундан ташқари, ҳудудларда саноат кластерларини йўлга қўйиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди, 344 та экспорт кластери лойиҳалари шакллантирилди. Бу саноат кластерларида лабораторияларни ташкил қилиш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш жорий қилиш бўйича ҳам ишлар белгилаб олинди.

Юртимиз фидойилари

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЛОЛАХОН МУРОТОВА ДАЛАСИДА



Бошланиши 1-бетда

Катта ҳўжалиkning раҳбари бўлган опага қойил қоласиз.

Фарғонада фермерлар орасидан миллиардерлар чиққани ҳақида хабар тарқалди. Бу оддий хабар эмас эди, бундай қаралса, миллиардерликка осонликча эришиб бўлмайди. Ана шундай сармомдорлар орасида бутун умрини ҳалол меҳнат қилишга сарфлаб келаётган Лолаҳон Муротова олдинги ўринларда, деб эълон қилинди. Ҳисоб-китоб қилинганда, пахтачилардан 650 миллион сўмдан ортиқ, ғалладан салкам 400 миллион сўмга яқин соф фойда олиб, жами 1 миллиард сўмдан ортиқ даромад қилинбди. Икки йилдири, олинаётган даромад бир миллиард сўмдан анча ошапти.

Фермер ҳўжалигининг автопаркидаги техника ва транспорт воситаларининг баҳосини пулга чақадиган бўлса, улар ҳам 4,5 миллиард сўмдан ошади. 2 та “Класс Орион” комбайни, 3 та “Беларусь” қатор орасига ишлов берувчи, 2 та транспорт трактори, 1 та минерал ўғитлар билан ишлов беришга мослашган техника, “Дамас”, “Нексия”лар, улар ёнига бу йил яна 3 та янги техника сотиб олиб, қўшиб қўйилди.

Биз қўнда опа билан суҳбатлашиш ва унинг даласидаги ҳосилни кўриш

мақсадида “Нурли обод” фермер ҳўжалигига бордик. Опа иш бошқарувчиси Манзураҳон Анорбоева билан Фарғонага бориб келиш учун тараддуланиб турган экан, даволаниб чиққан шифохона врачлари уни тиббий кўрикка кели кетишини сўрабди. Фурсатни бой бермай, опани дарров саволга тутдик. Лолаҳоннинг биринчи сўзини қаранг.

— Бу йил чинакам пахта йили бўлди, — деди у қаршимизда қор босгандай оппоқ далага кўз ташлаб. — Бу йил сув танқис бўлгани экан намдан тортилмади. Ҳамма ерда сув кам деб, борини эгатга юргизиб қўяверилди. Мана шу яна бир тажриба бўлди, дейман. Қаранг 126 гектар ердаги пахта бир хилдай очилган.

— Ўтган куни белгиланган режими ҳам бажардик, — дейди хурсандчилик билан Манзураҳон. — Ҳар йилгидай “Наманган-77” навли пахтадан 24,3 центнер ўрнига 25,4 центнердан пахта йиғиштириб олиб, пунктларга топширилди. Етгита даланинг пахтаси терилган куни режа бажарилди, яна 5 та далада биринчи терим терилгани йўқ. Ҳосилдорлик 45 ёки 50 центнерга боради, деб тўрибмиз.

Лола опа нимадир эсига тушгандай, бизга ўғирилди.

— Қишин-ёзин елкама-епка ишлаётган пахтакорларимизнинг номларини ёзиб олинг, газетада чиқса, хурсанд бўлади, — деди у. — Масалан, Зарифахон Парпиева, Зулфияхон Қодирова, Рашида Ўроқова, Жамила Собирова каби ўнлаб теримчилар бугун тер тўкиб, ютуқларимизга муносиб ҳисса қўшапти. Тракторчи Собиржон Қўзибоев прицепларни қаторлаштириб, бири-бирига тиркаб, пахтани пешма-пеш қабул пунктига етказиб берапти...

Лола Муротова қисқача қилиб яна бир фикр айтди.

— Бу йилги пахта ҳосили ҳар қачонгидан мўл бўлганини ирригация-мелиорация тадбирлари ўз вақтида амалга оширилганига боғлаш мумкин. Мана шулар натижасида ерларнинг балл-бонитети 41 дан 50 га кўтарилди, гектаридан 50 центнерга яқин ҳосил олинди...

Опа бугунги ҳаёт мезонига қараб қадам ташлайди. Инновацион ғоялар асосида иш юритади. Томчилатиб сўғоришнинг афзалликларини кўп бора гапирди. Бу Ўзбекистон учун энг мақбул йўл, сувни тежайдиган, маблагни ҳам иқтисод қиладиган усул. Баъзи фермерларнинг ерларига сув чиқариш қийин ёки дашт ерларида жойлашган. Давлатимиз ана шу ерларда сув тежовчи технологияларни жорий қилган фермерларга жуда катта моддий имтиёзлар бермоқда.

Опани йўлдан қолдирмадик, биз эса пахта тараётган теримчилар билан гаплашиш учун қолдик. Аёллар Лолаҳон ҳақида юракларида туйиб қўйган гапларини гапирдилар.

Қайтаётиб дала шийпонидидаги узоқдан ҳам ялтираб турган ёзувга кўзимиз тушди:

“Лола опа ҳалоллиги, поклиги, фидойилиги, ватанпарварлиги учун ҳам унга Худо бераверади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ”.

Бу ёзувни ўқиб, бизнинг қалбимиздан ҳам эзгу фикрлар ўтди: фидойилигингизга қойилмиз, Лола опа!

Ҳамиджон БУРҲОНОВ

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Муносабат



Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиймосида бутун дунё аҳли яна бир бор ана шундай жонкуяр ва донишманд раҳбарни кўрди ва Ўзбекистон ўз етакчиси билан бирга улўғ мақсадларига, албатта, етишига ишонч ҳосил қилди.

УЛУҒ МАҚСАДЛАР САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шoirи,
сенатор

Барчамиз гувоҳ бўлиб келаётганимиздек, 2020 йилда илгари тарихимизда қўрилмаган мураккаб синов ва машаққатлар кўп бўлди. Айни вақтда бу йил халқимизнинг қудрати ва салоҳияти, донишмандлиги, мардлиги ва матонатги ҳар қачонгидан ҳам яққол намоён бўлган йил сифатида тарихда қолади, десак асло муволаға бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон миқёсидаги энг олий минбар — Бирлашган Миллатлар Таъшилоти Бош Ассамблеясининг 75-йўбилей сессиясида сўзлаган нутқи ҳам, ҳеч шубҳасиз, халқимиз, Ватанимиз ҳаётидаги энг ёрқин тарихий воқеалардан биридир. Қарийб йигирма дақиқа давом этган, лекин ўзининг чуқур маъно-мазмун, таҳлилий руҳи, минтақавий ва глобал миқёсдаги энг долзарб муаммоларга конструктив ёндашуви ва аниқ-равшан ечим ва

тақлифларни илгари сургани билан бу нутқ асрларга татигулик аҳамиятга эга эканини бугунги кунда нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки халқаро эксперт ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Мазкур нутқни катта эътибор ва ҳаяжон билан тинглаб, қалбларимиз қанчалик гурур-ифтихорга тўлган бўлса, у ҳақда билдирилаётган ҳолис фикр ва мулоҳазалар, ҳаққоний эътирофларни эшитиб, кўнглимиз янада тоғдек кўтарилмоқда. Бу янги Ўзбекистонимизнинг дунё майдонидидаги яна бир улкан ютуғи бўлиб, бунинг натижасида халқаро ҳамжамият, турли давлатлар, хорижий сармомдор ва ишбилармонлар, бизнес оламнинг кўзга қўрилган намояндалари ўртасида мамлакатимизга, биз билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш ва интилиш янада ортишини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Яқинда ўз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаган жонажон Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий соҳаларда эришаётган ютуқларини ана шу сана муносабати билан атрофлича сарҳисоб қилиб олдик.

Президентимиз энг улўғ ва энг азиз байрамимиз муносабати билан сўзлаган нутқида бу борадаги энг муҳим йўналишларга тўхталиб, олдимизда турган вазифаларни янада аниқ-равшан белгилаб берди.

Мавжуд қийинчиликларга қарамай, юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар, ишга туширилаётган янги-янги ижтимоий-иқтисодий объектлар, қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг кўлами мамлакатимиз ҳақиқатан ҳам ўз тараққиётининг бугунги янги босқичида маррани нихоятда баланд олгани ва кўзлаган манзилларига албатта етаганини яққол намоён этмоқда.

Президентимизнинг БМТдаги тарихий нутқини бутун халқимиз қатори мен ҳам чуқур ҳаяжон билан тинглаб, минтақамиз ва глобал миқёсдаги муаммолар бўйича илгари сурилган янги фикр ва ташаббуслардан жуда тўлқинландим. Айниқса, бир ижодкор

сифатида буюк бобомиз Алишер Навоий тили — ўзбек тили давлатимиз раҳбари тимсолида бутун йигирма дақиқа давомида жаҳон минбарига халқаро тил, халқаро мулоқот воситаси бўлиб турганидан беҳад қувониб, ўзимни кўярга ҳақ топполмай қолдим. Чунки ўзбек тили, миллий маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизнинг шухратини дунёга таратиш не-не улўғ устозларимизнинг ушалмас орсуси, армони бўлиб келган эди. Шунинг учун бу нутқ нафақат биз — ўзбекистонликлар, айни вақтда бутун туркий олам учун чинакам маънавий байрам бўлди. Мен қаттиқ ҳаяжондан, бамисоли улўғ йиллар йўқотиб қўйган энг қимматли бойлигимизни топгандек, яйраб кетдим, кўзимда қувонч ёшлари, шукрона ёшлари пайдо бўлди.

Алишер Навоий бобомиз дунё ижодкорлари ичида энг кўп — 26 мингдан зиёд сўз ишлатиб, она тилимиз бениҳоя бой ва таъсирчан тил эканини амалда исботлаган. Шу боис, чексиз гурур билан “*Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни якқалам*”, деб таъкидлаган. Ул буюк аждодиимиз туркий қавмларни бир адабий тил воситасида янада яқинлаштирган бўлса, Президентимиз ушбу нутқни билан дунёнинг барча мамлакатларида яшаб келаётган миллатдошларимиз қалбига ягона тил, ягона Ватан туйғусини кучайтириб, уларни маънавий жиҳатдан янада муштарак қилди.

Жаҳон халқлари минбарига она тилимизнинг илк бор бундай мағрур янграши янги Ўзбекистоннинг овози, ташаббуслари дунёни тобора кўпроқ қамраб олаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида опита муҳим масалага тўхталиб ўтди. Айниқса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни, геосиёсий аҳамияти янада чуқур ифода этилган, қўшни мамлакатлар билан ўзаро тинч-тотув яшаш, азалий дўстона ҳамкорлиқни ривожлантириш, ёшлар, хотин-қизлар масаласи, глобал иқлим

ўзгаришлари, жумладан, Оролбўйи ҳудудидаги мураккаб экологик вазиятни юмшатиш, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатишга доир фикр ва ташаббуслар беқиёс аҳамиятга эгадир.

Президентимиз ҳозирги вақтда коронавирус пандемиясини бартараф этишининг энг асосий шарти барча мамлакатларнинг жипслашуви, ўзаро ишонч ва келишув негизида ҳаракат қилиш ва самарали ҳамкорлик эканини алоҳида таъкидлади. Нутқда мамлакатимизда сўнгги тўрт йил мобайнида амалга оширилган ислохотлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Хусусан, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида янги Ўзбекистон шакллантирилган, мамлакатимизда демократик ўзгаришлар ортага қайтамайдиган тус олганга эътибор қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистонда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айлангани, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазият бутунлай ўзгариб, мажбурий ва бола-лар меҳнати тўлиқ тугатилгани, мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилингани айтилиб, уларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилди.

БМТ фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қаҳриюғи жавобан, Президентимиз ташаббуси билан шу йилнинг ўзида фуқаролиги йўқ 50 минг юрдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилгани, 50 минг инсоннинг ҳаёти, тақдири, ҳуқуқ ва манфаатлари мамлакатимизда шу тарихда давлат ҳимоясига олингани қанча-қанча ватандошларимиз, уларнинг оиласи, фарзандлари қалбига сўз билан ифода этиб бўлмайдиган хурсандчилик олиб келди.

Юртимизда ана бир муҳим соҳа — диний эркинлик борасидаги вазият ҳам кескин яхшиланиб, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратган яна бир масала

— жамиятимизда судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар, коррупцияга қарши мурасосиз курашнинг янги босқичга кўтарилганидир.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом этирилиб, биринчи марта қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримиз бутун дунёга очик эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши, шу боис, ҳар бир йилги-қизининг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, дунё ҳамжамиятини яна бир бор БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини кўллаб-қувватлашга қаҳриди. Бу юксак даъват сайёраимиздаги нуфузли сиёсатчилар томонидан олқишланмоқда. Чунки ёшларнинг тақдири дунёнинг келажаги ва тақдир демакдир.

Мени бениҳоя тўлқинлантирган яна бир тақлиф, Президентимизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 2021 йилда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форум ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси бўлди.

Барчамизга яхши аёнки, халқимиз азалдан меҳмондўстлиги, юксак инсонпарварлик фазилатлари билан хурмат-эътибор қозониб келади. Эл-юртимизнинг ана шундай олижаноб қадрият ва анъаналари, бизнинг қандай буюқ тарихимиз ва маданиятимиз борлиги, эл-юртимизнинг миллий қиёфасини дунёга танитиш, шу асосда маданий дипломатияни, туризм соҳасини ривожлантиришдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда зикр этилган анжуман, ҳеч сўзсиз, муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай форумларга, биринчи навбатда, илм-маърифат ва маданият намояндалари, олим уфзулопар,

санъат аҳли, ижодкорлар келади. Табиийки, улар ўз юртларига бориб, анжуман давомида кўрганларини ўз юртдошлари ўртасида тарғиб қиладди. Хивадек асрлар синовидан ўтиб келаётган муъжиза шаҳарни кўриш, очик осмон остидаги инсон ақлу заковатининг ёрқин тимсоли бўлган, кўҳна тарихдан ҳикоя қилаётган турфа мажмуаларни, осори атиқаларни томоша қилиш, бу ерда қадимий Шарқ нафаси, тарихи ва фалсафасини ҳис этиш дунёдаги қанча-қанча одамлар учун ширин орзудир. Бундай халқаро форумларнинг юксак савияда ўтказилиши эса ана шундай орзумандлар сонининг янада ортишига сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ана бир муҳим тақлиф — БМТ Бош Ассамблеясининг барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги ташаббус ҳам бугунги замон ва тараққиёт талаблари руҳига мослиги билан алоҳида ажралли туради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Президентининг БМТдаги бу галги нутқи ва унда кўтарилган масалалар ҳам ўта долзарблиги, халқимиз, Ватанимиз, ҳар биримизнинг ҳаётимиз ва келагимизга дахлдорлиги билан бениҳоя улкан қимматга эгадир.

Албатта, қисқа вақт — йигирма дақиқага яқин вақт ичида минтақамиз ва дунё тақдирига дахлдор бундай улўғвор ғоя ва ташаббуслар, амалий фикр ва тақлифларни илгари суриш учун юксак донишмандлик, узоқни кўзлаб фикр юритиш, интеллектуал тафаккур салоҳияти, жасорат, кенг ва саховатли қалб керак, энг муҳими, ўз халқи ва мамлакатининг равнақи, соғлиғи-омонлиги ва саодатини ҳар қандай нарсадан устун қўйиб, шу йўлда бутун борлиғини бериб, ҳаракат қилаётган том маънодаги миллий етакчи бўлиш лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиймосида бутун дунё аҳли яна бир бор ана шундай жонкуяр ва донишманд раҳбарни кўрди ва Ўзбекистон ўз етакчиси билан бирга улўғ мақсадларига, албатта, етишига ишонч ҳосил қилди.

ЯНГИ ҚОНУН ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ ТАМОЙИЛИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАЙДИ



Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган бугунги янгиликлар жараёнида барча соҳа ва тармоқларда шиддаткор замон талабига ҳамоҳанг ислохотлар изчил ва тизимли равишда, жадал давом эттирилмоқда. Мазкур ҳаётбахш ўзгаришлар кейинги вақтларда ҳокимият вакиллик органлари, хусусан, парламент ислохотларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Депутатларнинг сайлов округларидаги сайловчилар билан ҳамкорлигининг шакллари ва усуллари, ижро этувчи ҳокимият органларига мавжуд муаммоларни ҳал этишда қўмаклашиш, ҳудудларда таъсирчан парламент назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмлари ҳаёtimизга тобора чуқур кириб келмоқда. Айниқса, парламент назоратини юритишнинг янги шакли — ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботини эшитиш ҳалқ ноиблари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўз навбатида, ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолияти ҳам янги маъмул-моҳият билан бойитилди. Парламент аъзолари маҳаллий кенгашларнинг ишида доимий асосда иштирок эта бошладилар. Сенаторлар ва барча даражадаги депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиқдаги саъй-ҳаракатлари билан узоқ йиллар давомида ўз ечимини кутиб ётган кўплаб муаммолар ечим топмоқда.

Натижада депутатлар бугун сайловчилар манфаатларини чинакам ифода этувчи ҳалқ вакиллари сифатида майдонга чиқишга интилаётди. Жамият ва ҳалқ ҳаётига дахлдор долзарб масалалар бўйича очик баёнотлар, дадил позициялари билан чиқаётган депутатлар сафи кенгайиб бормоқда.

Албатта, бу борада ҳаётга жорий этиб борилаётган чора-тадбирлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган гоялар билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт йўлини белгилловчи бош устувор ҳужжат саналган мазкур стратегия асосида ҳар йили қабул қилинаётган давлат дастурларида ҳам парламент ва маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Шу маънода, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастурида ҳам Олий Мажлис Сенатининг



Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастурида ҳам Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида ўрин берилган бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, бу йилдан бошлаб Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга масъул этиб бириктирилиб, уларда “сенаторлар хоналари” ташкил этилди.

маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида ўрин берилган бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, бу йилдан бошлаб Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга масъул этиб бириктирилиб, уларда “сенаторлар хоналари” ташкил этилди.

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида бу борадаги янгиликлар изчил давом этиши, вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси бўйича вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилиниши таъкидланиб, бу борадаги ишларнинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида кенгаш сўрови институти жорий этиш тақдир қилинди.

Ана шу мақсадда Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, ҳокимларнинг ваколатларини қайта қўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини

такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича тақлиф тайёрлаш вазифаси топширилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган мустақкам ҳуқуқий асослар яратиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари ва бошқа идоралар раҳбарларининг кенгашлар олдида ҳисобот бериб бориш амалиёти қонун билан мустақкамлаб қўйилди.

Бироқ маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш вазифаси ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари томонидан амалга ошириб келинаётгани ҳалқ депутатлари кенгашларининг янада фаол ишлашига муайян маънода ҳалқит бериб келаётгани.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастури доирасида ишлаб чиқилиб, жорий йил 14 сентябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ушбу муаммолар ечими йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бинобарин, маҳал-



Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, ҳокимларнинг ваколатларини қайта қўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича тақлиф тайёрлаш вазифаси топширилди.

лий кенгашларнинг доимий асосда ишлайдиган котибиятлари ташкил этилиши фаолият самарадорлигини оширишга туртки бўлади.

Мазкур қонун билан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунларга кенгаш котибиятига оид нормалар билан боғлиқ ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш вазифасини ҳокимликлар аппаратидан тегишли халқ депутатлари кенгаши котибияти зиммасига ўтказиш белгиланди. Котибият юридик шахс ҳисобланиши ва унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши, котибият тузилмаси, штатлари, ҳодимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техник таъминоти, шунингдек, уларнинг ишлаши учун зарур харажатларни тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланиши, котибият ҳодимларининг меҳнатга оид муносабатлари маҳаллий кенгашларнинг ваколат муддатига боғлиқ бўлмаслиги белгиланган бўлди. Котибият давлат герби ва ўз номи туширилган муҳрига ҳамда бланкига эга бўлиши, котибиятнинг намунавий низоми ва намунавий тузилмаси Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланишига оид нормалар мустақкамланди.

Шунингдек, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда ҳалқ депутатлари кенгаши депутатини ҳужжатлар, зарур ахборот ва

марта ҳоким ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма бошлиқлари ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотлари эшитилди. Жорий йил иккинчи чораги якуни бўйича эса ҳалқ депутатлари туман кенгашлари томонидан 130 та сессия ўтказилиб, уларда раҳбар-мутаасаддилар 471 марта ҳисобот тақдим этган.

2020 йилнинг олти ойида ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгаши депутатлари томонидан 360 га яқин депутат сўрови юборилган бўлиб, уларнинг 20 га яқини кенгаш сессияларида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бу ўринда биргина амалий мисолни келтириб ўтишнинг ўзи етарли. Жорий йил 24 июль куни ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгашининг sanoat, transport, qurilish, aloqa va aholiga xizmatlar kўrsatish masalalari бўйича доимий комиссияси ташаббуси билан ўтказилган сессияда пандемия бўйича пойтахтдаги вазият атрофлича муҳокама қилиниб, Тошкент шаҳри Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси бошлиғи ҳамда Тошкент шаҳри Санитария-эпидемиологик оқсийиштик маркази раҳбарининг короновирусга қарши курашиш, бу борадаги мавжуд аҳволни ўнглаш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари эшитилган, депутатлар томонидан ҳар икки раҳбарнинг фаолияти қониқарсиз, ўзлари эса вазифасига нолойик, деб топилди.

Демоқчимизки, мазкур қонун билан маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига бевосита қўмаклашувчи тузилмани ташкил қилиш орқали, биринчи навбатда, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан давлат бошқаруви органларининг фаолияти устидан таъсирчан ва натижадор депутатлик назорати амалда таъминланишига эришилди. Зеро, бу амалиёт экспертиз таъриқасида Тошкент шаҳри мисолида ўзини оқлади.

Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги фармонида, шунингдек, Сенатга ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳри ва туманлар кенгашларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда қўмаклашиш, Сенатга қўриб чиқиш учун киритилаётган масалаларни ҳалқ депутатлари кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилиш амалиётини жорий этиш, ҳалқ депутатлари кенгашлари мурожаатлари бўйича ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ўз мажлисларида қўриб чиқиш тавсия этилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур масалаларда ҳам Сенат билан Тошкент шаҳри ва туманлари кенгашлари ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, кўплаб муҳим масалалар биргаликда муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Мухтасар айтганда, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида ушбу янги институтнинг жорий этилиши маҳаллий кенгашлар фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа жиҳатдан таъминлаш, доимий комиссияларнинг назорат соҳасидаги ваколатларини самарали амалга оширишга қўмаклашиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти, давлат органлари, ҳўқалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа идоралар раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитишнинг ташкил қилишга яқиндан қўмаклашиш имконини яратди.

Шу билан бирга, маҳаллий кенгашлар депутатлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш, мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш, маҳаллий кенгаш фаолиятига оид тадбирлар тўғрисидаги хабарлар тайёрла-нишини ва оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини, маҳаллий кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини ташкил этиш ҳамда маҳаллий кенгаш ва унинг доимий комиссиялари қарорлари лойиҳаларининг Конституцияга ва бошқа қонунларга, шунингдек, юридик техника талабларига мувофиқлигини қўриб чиқиш, мазкур ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий тўсга эга қарорларнинг маҳаллий кенгаш муҳокама-сига киритилишидан олдин тегишли адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил қилиш ишларини янада осонлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий кенгашлар ҳузурда котибиятларнинг ташкил этилиши ҳокимиятлар бўлишини таъминловчи амалда рўёбга чиқаради, яъни ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини алоҳида олиб бориш натижасида ҳокимликлар иши устидан депутатлик назорати самарадорлиги орттиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида “Хавфсиз шаҳар” пилот лойиҳаси доирасида жами 142 та ижтимоий соҳа объекти ва аҳоли гавжум жойларда жами 898 донa интеллектуал видеокузатув қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди.



“ХАВФСИЗ ШАҲАР” ЛОЙИҲАСИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ОСОЙИШТА ҲАЁТ!

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳозирги даврда шаҳар аҳолисининг тобора кўпайиши ва мегаполисларнинг иқтисодиётнинг асосий драйверларига айланаётгани жамият ривожининг муҳим омилдир. Бу эса,табиийки, шаҳар аҳолиси учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратишни тақозо этади.



Ана шу нуқтаи назардан ҳам Президентимиз ташаббуси билан 2020 йилнинг мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши, жорий йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши аҳамият-лидир.

Қолаверса, Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видео-селектор йиғилишида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якуни ва 2021 йилнинг биринчи чорагига мўл-жалланган лойиҳалар муҳокама этилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳ-барлари рақамлаштириш нати-жа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча да-ражадаги раҳбарлар буни ўзига қўндалик вазифа сифатида бел-гилан, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўр-ганиши керак,” деб таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 29 августда қабул қилинган “Ахборот-коммуника-ция технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2019-2023 йил-ларда “Хавфсиз шаҳар” лойи-ҳасини босқичма-босқич рес-публиканинг барча ҳудудига жорий этиш белгиланган.

“Хавфсиз шаҳар” ягона ап-парат-дастурий комплекси ички ишлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахбо-рот тизимлари ҳамда “Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилинади. Бундан қутилган асо-сий мақсад жамоат хавфсизли-ги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида фаолият самарадорлиги ва тез-корлигини ошириш, ягона нав-батчи-диспетчерлик хизмати ва маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш, манфаатдор вазирлик ва идо-ралар билан биргаликда замо-навий технологиялардан фой-даланиш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида тегишли қонун ва нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дав-лат стандартлари ҳамда қо-идаларни ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлиги ва жамоат ҳуқуқ-тартиботини профпактика қи-лиш ва таъминлаш соҳасида халқро тажрибанинг энг сун-ди ги ютуқларини жорий этишдан иборат.

“Хавфсиз шаҳар” комплекси аҳолини жамоат хавфсизлиги, қонуний тартибот ва атроф-му-ҳит хавфсизлигига таҳдидлардан ҳимоя қилиш, бу борадаги муам-моларга ечим топиш, мутасадди идораларни аниқ ва ҳолис ахбо-рот билан таъминлашга қаратил-ган. Шунингдек, у турли вазият-лар ва ноҳуш ҳодисалар ҳақида ваколатли хизмат ва идораларга

ишончли ва тўлиқ маълумотни тақдим этади. Иштирокчиларни идоралараро интеграциялашган ягона ахборот маконидан фой-даланиш, уларни фавқулодда вазиятлардан ўз вақтида огоҳ-лантириш ва хабардор қилиш, асосий жараёнларни ахборот-лаштириш таъминлайди.

— “Хавфсиз шаҳар” комп-лекси хавфсизлик соҳасида ишонч-ли маълумотларни автоматик йўсинда йиғади, мониторинг ва прогноз қилади, хавфларни ка-майитриш, ҳодисалар оқибатла-рини бартараф этиш мақсадида тергов ҳамда суриштирув орган-ларига видео-фото фактларга асосланган далилларни тақдим этади, — дейди Ахборот техно-логиялари ва коммуникацияла-рини ривожлантириш вазирлиги “Хавфсиз шаҳар” жамоат тарти-бига қўмаклашиш маркази бош муҳандиси Ўллубек Қўланов. — Бунинг натижасида хавфсизлик соҳасида идоралараро ҳамкор-лик алоқалари ривожланади ва яхлит тизимга айланади. Энг муҳими, хавфсизлик масалала-ри бўйича фуқаролар ва мута-садди идораларнинг самарали ҳамкорлигига замин яратилди.

Бир сўз билан айтганда, “Хавфсиз шаҳар” комплекси мо-нитинг, прогноз қилиш, хавф-сизликка таҳдиднинг олдини олиш ва бартараф этишда ягона ахборот маконини шаклланти-ради, фавқулодда вазиятларда аҳоли, куч ва воситаларни бош-қариш, вазиятни таҳлил қилиш имконини беради.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳ-камасининг 2018 йил 7 майдаги қарорига мувофиқ, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг техник ҳужжатлари (концепция, бош техник топшириқ, техник иқти-содий ҳисоб) РВС халқро кон-салтинг компанияси экспертлар гуруҳи билан биргаликда тегиш-ли идора ва вазирликлар ишти-рокида ишлаб чиқилди.

Биринчи босқичда 2019-2020 йилларда тўғридан-тўғри хо-рижий инвестицияларни жалб этишган ҳолда Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг ягона технология платформаси-ни яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрида “112” ягона диспетчерлик хизматини жорий этиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилди. Мазкур техник топшириқ тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди, экспертиза хулосалари олинди. Бундан ташқари, ижтимоий соҳа, маданият, туризм объек-тлари, вокзал ва бозорларда жа-моат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун 50 мингдан ор-тиқ кузатув камераси ўрнатила-ди, умумий маълумотлар базаси 20 миллиондан ортиқ бўлган интеллектуал қидирув тизими ташкил этилади. Бунинг нати-жасида жиноятларни фш этиш вақти ва ҳуқуқбузарликлар сони 45 фоизгача камайишига эриши-лади. Атроф-муҳит экологиси

ҳолатини мониторинг ва назорат қилиш бўйича ташкил этилади-ган тизим ҳавжум экологиясини назоратга олиш ва яхшилашга замин яратади.

Ҳозирги кунда Тошкент ви-лоятда йўл ҳаракати хавф-сизлигини таъминлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси бўйича 11,328 миллион евро миқдорида шартнома имзоланиб, 2020 йил 1 июль ҳолатига 4,1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Nexia-3 русумли 19 та авто-машинасига ўрнатилган мобиль комплекс ускуналари Тошкент вилояти ва Фарғона водийсида ишлаб турибди. Жорий йилда жами 292 минг 932 та қоида-бузарлик аниқланиб, 129 мил-лиард сўм жарима ҳисобланди ва шундан 49 миллиард сўми ундирилди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида “Хавфсиз шаҳар” пи-лот лойиҳаси доирасида жами 142 та ижтимоий соҳа объекти ва аҳоли гавжум жойларда жами 898 донa интеллектуал видео-кузатув қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Пойтахтда “Хавфсиз шаҳар” тизимини жорий этиш лойиҳаси бўйича бир неча компаниянинг йўл ҳаракати хавфсизлиги қо-идалари бузилишини фото-видео қайд этиш бўйича берган тақлиф ва техник ечимлари ўрганилиб, танлаб олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Чорвоқ” эркин туристик зонасида “Хавфсиз туризм” ло-йиҳасини амалга ошириш бўйи-ча 146 та ижтимоий объекта 534 та видеокузатув камераси, 20 та радар ҳамда 6 та чорраҳада фото-видео қайд этиш қурилма-ларини ўрнатиш юзасидан лойи-ҳанинг техник топшириғи ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилди.

Айни пайтда “Чорвоқ” эркин туристик зонасида оптик толали алоқа линияларини жойлашти-риш, видеокузатув қурилмала-рини монтаж қилиш, йўл ҳара-кати хавфсизлигини фото-видео қайд этиш тизими қурилмалари-ни ўрнатиш ишлари олиб бори-лмоқда.

Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг махсус тезкор хизматлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ўқув маркази ҳамда видеокузатув камера-лари, ўрнатиладиган дастурий таъминотларнинг мавжуд стан-дартларга мувофиқлигини тек-шириш ва интеграция қилиш бўйича махсус лаборатория ташкил этиш назарда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида маҳаллий дасту-рий таъминот ишлаб чиқарувчи компанияларни кенг жалб этиш, улар билан ҳамкорлик қилиш, тажрибасини ошириш ва келгу-сида жаҳон бозорига чиқишлари учун замин яратишга жиддий эъ-тибор қаратишмоқда.

Ёшлар сиёсати

МУСТАҲКАМ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ



Мухтор НАЗИРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Бу йил БМТнинг халқаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи механизм ва кўп томонлама дипломатия майдони сифатида ташкил этилганига 75 йил тўлди. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеясининг коронавирус пандемияси келтириб чиқарган мураккаб шароитда ўтказилаётган 75-юбилей сессиясини халқаро ҳамжамият алоҳида эътибор билан кузатмоқда ҳамда унинг натижаларига катта умид боғламоқда.

Дарҳақиқат, COVID-19 пандемиясининг авж олиши барча соҳада бир-бири билан узвий боғланиб кетган дунёнинг каттаю кичик мамлакатлари учун жиддий синовга айланди. Албатта, бугунги таҳликали даврнинг чақириклари барқарор тараққиёт йўлида жаҳон ҳамжамиятидан амалий ҳамкорликни ривожлантиришни ҳамда умумий муаммоларга муносиб жавоб топишни тақозо этмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясининг ялпи мажлисидаги нутқида Президентимиз юксак минбардан туриб, дунё жамоатчилиги эътиборига минтакавий ва глобал аҳамиятга эга бўлган қатор ўткир масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашув ва ташаббусларини илгари сурди. Жумладан, ёшлар ҳуқуқлари масаласига яна бир марта

тўхталиб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларнинг салоҳиятини рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Ёшлар ҳуқуқларига оид мажбурий характердаги халқаро ҳужжат ҳанузгача қабул қилинмаган. Шунинг учун Ўзбекистон Президентининг ушбу ташаббуси халқаро миқёсда ижобий акс-садо берди.

Шу йил 12-13 август кунлари БМТ шафелигидега ўтказилган “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги Самарқанд халқаро форумида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция лойиҳаси хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан кенг муҳокама қилинди. Ёшлар манфаатларини ҳар

томонлама ҳисобга олиш бўйича таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Конвенциянинг бош мақсади бўлган дунё ёшлари эҳтиёжини таъминлаш, бунёдкор қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, эркинлик ва ҳақ-ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлаш, йигит-қизларнинг салоҳиятини рўйбга чиқаришга йўналтирилган минтакавий ва миллий даражадаги ҳаракатларни кучайтириш каби масалалар муҳокамалар жараёнида янада долзарб аҳамият касб этди.

БМТ маълумотларига кўра, бугун дунё аҳолисининг 2 миллиардга яқини ёшлар бўлиб, уларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Тез ўзгараётган, айрим ҳудудларда зиддиятлар сақланиб қолаётган ҳозирги даврда ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи омиллар тобора кўпаймоқда. Шунинг учун ёш авлод муаммоларини бартараф этишга қаратилган ташаббуслар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса дунё давлатларидан ёшлар муаммоларига оид янгича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва упар ечимига хизмат қиладиган ягона ҳуқуқий майдон яратишни талаб этмоқда.



Бугунги мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг миллий ўзликни сақлаган ҳолда дунёдаги тенгдошлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида беллаша оладиган, мустақил фикри, онгли фуқаролик позициясига эга авлодни тарбиялашга қаратилган тажрибасини халқаро миқёсда оммалаштиришнинг долзарблигига шубҳа йўқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳар бир йигит-қизнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун муносиб шароит яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди. Бу жараёнда давлат сиёсати “ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш”ни назарда тутди.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мутлақо янги босқичга кўтарилди. Унинг асосий мақсади сифатида “бирорто ҳам ёшни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили белгиланди. Шунга биноан, юртимизда ёшлар билан ишлашнинг

ноёб тизими йўлга қўйилди. Ёшлар сиёсатини амалга оширишга хизмат қилувчи махсус механизмлар яратилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар ишлари бўйича комиссия ташкил этилди, ёшлар сиёсатини юритиш бўйича қатор тузилмаларда махсус лавозимлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ, бу йил Ўзбекистон ёшлар иттифоқи негизда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил қилинди. Агентлик ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади. Шунингдек, ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Олий Мажлис Сенати ҳузурида Ёшлар парламенти фаолият курсатмоқда. Ёшлар парламенти аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги турли йўналишларда фаолият юритаётган,

ташаббускор, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга, кенг дунёқараш ва чуқур билим ҳамда етакчилик салоҳиятига эга 18-30 ёшли фуқаролардан шакллантирилди.

Ёшлар парламенти ўз фаолиятида илм-фан, маданият ва туризм, спорт, соғлом турмуш, экология, компьютер технологиялари, инновациялар, стартаплар ва агрокластер масалалари, китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, қонунчилик, бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, гендер тенглик каби масалалар бўйича давлат сиёсати параметрларининг ишлаб чиқишида ёшларнинг нуқтаи назарини намоён этади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар сиёсати билан боғлиқ тўб ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш борасида билдирган фикри халқаро ҳамжамиятнинг мазкур долзарб масала бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилади. Бундан нафақат ёшлар, балки барча ижтимоий қатламлар ютади.

Муносабат

Ташаббуслар умуминсоний манфаатларга хизмат қилади



Серикбай УСЕНОВ,
Ўзбекистон қозоқ миллий маданий маркази раиси

ўзаро ҳурмат асосида минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатилгани, иқтисодий-ижтимоий масалаларнинг барча соҳада ижобий ҳал этилаётганидир.

Шу кунларда бутун жаҳон халқи эътибори БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги билдирилаётган фикрлар ва янги таклифларга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тарихий нутқини ҳаяжон билан тингладик.

Президентимиз мазкур халқаро ташкилот ишида иккинчи марта иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари 2017 йил 12 сентябрда ҳам БМТнинг 72-сессиясида чиқиш қилиб, дунё минбаридан минтақа ва жаҳон ҳамжамияти учун муҳим саналган умумсиёсий масала ва таклифларни ўртага ташлаган эди.

Айтиш жоизки, Президентимиз БМТ ташкил этилганининг 75 йиллик юбилейидаги нутқида ўткир ва долзарб халқаро ташаббусларни илгари сурди. Бу эса Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги муҳим халқаро ташаббуслар ижодкорига айланиб бораётганини дунё жамоатчилигига яна бир бор намоён этди.

Маърузада Президентимиз янги Ўзбекистон концепциясининг амалга оширилиши ва ҳозирги жаҳон ҳамжамияти олдига турган бир қатор долзарб масалаларга бирма-бир тўхталиб, уларни ижобий ҳал қилиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида баён қилиб, бир қанча муҳим ва халқаро аҳамиятга молик таклиф ҳамда ташаббусларни ўртага ташлади.

Биз учун Президентимиз нутқидаги жуда муҳим масалалардан бири Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг янги сифат даражасига кўтарилгани,

Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлаган дастлабки кунлардан бу ишларнинг ташаббускори бўлиб, минтақа мамлакатлари раҳбарлари билан бирма-бир учрашди, улар билан маслаҳат кенгашлари уюштирди, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга эришди.

БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида қўшни Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталиб, унинг Марказий Осиё минтақасининг бўлинимас бир қисми эканини таъкидлаб, бу мамлакатдаги муаммоларни нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида ҳал қилиш бўйича муҳим таклифлар киритди. Бу Президентимизнинг нафақат ўз мамлакатини, балки қўшни давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишида жонбозлик кўрсатаётганининг ёрқин далолатидир.

Биз, республикаимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат, шулар қаторида бир миллионга яқин қозоқ миллати вакиллари ўз туғишган отаси ўзбек халқи билан бирга, Ўзбекистоннинг обрў-эътибори халқаро миқёсда тобора ортиб бораётганидан фахрланамиз, фаровон ҳаёт кечирishiмиз учун барча шароитлар яратиб берилаётганидан гоъят миннатдоримиз ҳамда бунга жавобан Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Мерос

ТУРКИЙ ТИЛДАГИ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Малика АБДУҲАКИМОВА,
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг маслаҳатчиси

Ҳозирги ўзбек адабий тили жуда катта тараққиёт босқичини босиб ўтган. Тилнинг ривожланиши ва юксалишида бадий адабиётнинг ўрни катта.

Аллома, шоиру ёзувчиларнинг нодир, ўлмас асарларида она тилимизнинг лугат бойлиги, бадий имкониятлари, унинг гузаллиги ва нафосати ёрқин намоён бўлади. Бизгача етиб келган қадимий ёзма ёдгорликлар, бадий асарлар ажодларимизнинг бой маънавий меросидир. Қадимий ёзма ёдгорликлардан Хуастуаниф, Ўрхун-Энасой обидалари, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Юнакийнинг “Ҳиббатул ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”, Носириддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” (“Қисаси анбиё”), Алишер Навоийнинг “Ҳамса” ва бошқа кўплаб асарлар орқали тилимизнинг шаклланиши, ривожланиши босқичлари, жўнлиги, бойлигини кўриш мумкин.

Носириддин Бурхониддин Рабғузийнинг пайгамбарлар тарихи ҳақида эски туркий тилда яратилган “Қисаси Рабғузий” (“Қисаси анбиё”) асари ҳозир ҳам севиб ўқиладиган насрий асарлардан

биридир. Рабғузийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. У XIII асрнинг охири XIV аср бошларида Хоразмнинг Работи ўғуз деган жойида яшаб ижод қилган. Ислон динини қабул қилган мўғул бекларидан бири бўлган Носириддин Тўқбўға пайгамбарлар тарихи ҳақида асар яратиш топшириғини беради. Олимлар маълумотига кўра, асар ҳижрий 709 йилда, милодий 1309-1310 йилда ёзилган. Асар илк бора туркий тилда улкан салоҳият билан битилган бўлиб, бора-бора “Қисасул-анбиёи туркий” номи билан шуқрат топди.

Таниқли туркийшунос ва тилшунос олим Эрғаш Фозиловнинг қайд

этишича, асарнинг каттагина қисми В.Радлов, В.Томсен, М.Мелиоранский, Е.Малов, Л.Котвич, Фон Габэн, Г.Рамс-тедт, Н.Кононов, П.Циме, Босим Ата-лай, Н.Нажиб сингари атоқли рус ва хорижий туркийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

“Қисаси Рабғузий” олам ва одамнинг яратилиши, йўлдан адашиши, қомиллик сари интилиш, Одам Ато зурриёдлари ҳақидаги гоъят қизиқарли ва ишончли маълумот берувчи қиссалар мажмуаси ҳисобланади. Осмон ва ер, жаннат ва дўзахнинг номланиши, тавсифланиши, пайгамбарлар, уларнинг шажаралари, воқеалар ривожини Қуръон оятлари билан асосланиши, баъзи масалаларга савол-жавоб усулида ҳулосаланиши асарнинг гоъявий-бадий, маънавий қийматини оширади.

Асар адабий ва тарихий манбаларга таяниб ёзилган, шунингдек, қиссадан хисса чиқариш, тил хусусиятлари билан бошқа асарлардан ажралиб туради.



Ҳазим Йўлдошев олган сурат.

Асар “хабарда андоғ келур”, “ҳикоятда келур”, “тақи хабарда андоғ келур”, “Қалбий ривоятинча”, “ривоятда келур”, “ҳикмат”, “мақсудга келдур”, “яна мақсудга келдимиз”, “нақлдур-ким”, “аймишлар” ва бошқа шу каби кириш сўзлари билан бошланади. Бу эса ўқувчи диққатини ўзига янада жалб этади.

Тадқиқотчи З.Шукурованинг фикрича, “Қисаси Рабғузий”нинг тили сода, раван, ихчам ва халқчил бўлгани сабаб аҳолининг барча табақаси учун тушунарли бўлган. Дарҳақиқат, етти аср олдин эски туркий тилда яратилган асар бўлишига қарамай, ҳозирги ўзбек адабий тилида сўзлашувчи китобхонга тушунарли.

Баъзи сўзлар йиллар, асрлар давомида эскириб, истеъмолдан чиққан ёки бошқа шаклга ўзгарган. Масалан: айди – айтди; теб – деб; қаттиг – қаттиқ; қузғ – қудуқ; ел эсанди – ел эсди, шамол турди; ё – ёй; андоғ – шундай; гилим – ерга тўшалган палос, гилам; сичгон – сичкон; йилон – илон; қарлуғоч – қалдирғоч ва бошқалар.

Бошқа тиллардан кириб келган янги сўзлар хисобига ёхуд вақт ўтиши, турли ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг содир бўлиши хисобига айрим сўзлар истеъмолдан чиққан. Хусусан, теллим – кўп, зиёд; абушча – кекса, қари, нуроний; ҳирфа – касб, ҳунар; ивуқ – кийик; икагу – икковлон, иккаласи; багирсоқ – меҳрибон, раҳмдил, оқ қўнғил; йиғоч – тахминан 9 км. келадиган масофа бирлиги; калаз – чумчуқ; овуч – ҳовуч, қафт; ашоқ – паст; сифлог – тиш оғриғи; улув – олий, буюқ; чичала – жимжилоқ; эв – уй; ялчиқ – ой; ергаги – яхшироғи, ажойиброғи, афзали; ўг – эс, ҳуш ва бошқа сўзлар.

Хулоса қилиб айтганда, туркий тилда яратилган барча асар ва кўл-ёзмалар бизнинг ўзлигимизни, тарихимизни, маънавиятимизни кўрсатиб беради. Кўп асрлар давомида яратилган адабиёт туфайли ўзбек тили жуда ривожланди, бойиди. Тилимизнинг бойиб, сайқалланишида Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари катта аҳамиятга эга. Ибратли ҳикоят ва қиссаларга бой, диний, тарихий, фалсафий, бадий, лисоний жиҳатдан бетакор бўлган мазкур асар нафақат ёшларни, балки барча қатламдаги китобхонлар маънавиятини оширади.

Зеро, тилимизни, адабиётимизни, тарихимизни дунёга танитишда шундай асарларни, аввало, ўзимиз чуқур билишимиз зарур. Бу эса ҳар биримизга фахр ва заъқ бағишлайди.

Бугуннинг ўйлари

ЖАҲОН ЖАҒОЛАРДАН ХОЛИ БЎЛҒАЙ



Бошланиш 1-бетда

Президентимизнинг 2017 йилда БМТ-даги илк ташаббусларини эслаймиз... Уша ташаббуслар кўз ўнгимизда жаҳон айво-нига чиқмадим, глобал тараққиётнинг ўз-виги айланмадимиз?! Улар Ўзбекистонни, унинг тинчлик, мурося гоёларини жаҳонга олиб чиқмадимиз?! Кечаги нутқда дунё аф-кор оммаси олдиға кўйилган ташаббус ва тақлифлар уч йил илгариги ташаббус ва тақлифларнинг давоми бўлди. Уларнинг тўқис-туғал БМТнинг Барқарор ривожла-ниш мақсадлари билан чамбарчас боғ-лангани бугун ва эртаға Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида мустахкам ўрин тут-ганини кўрсатади. Президентимиз Орол экотизими платформасида вазмин, сал-моқдор, аммо тағзамини залворли фикр-ларни баён қилиб ўтди. Ҳозир Оролбўйи минтақасида икки миллион гектар ерга яшил қоплама яратилаётгани ва бу саҳ-роий азиямларда тез орада кўкаламзор ҳаёт барпо бўлажағи ҳақидаги дидил суз-лари, аминманки, эшитган, кўрган бутун миллиардлик жаҳон аҳлида бир ларзакор умид тараннумлирини жунбўишға келтир-ди. Осмондан чалпақ ёғмағай ва қорни-мизнинг виртуал очлигини қондирмағай, аммо беҳаёт чўлда кўкарган битта сак-совул ниҳоли инсоният келажағига умид чироғи бўлолмай! БМТда не-не давлат ва сиёсат арбоблари ўтирган бўлмасин, ўша дамда ўшанга ишонч ҳосил қилди. Яхши ният билан чексиз саҳроларға қадалган уруғ келажақ ҳаётидан дарак бергай.

“Мамлакатимизнинг ярим аҳолиси ёш-лар!” деди Президентимиз. Унинг дунё ва Ўзбекистон ёшлари ҳуқуқлари, уларнинг иш-ўқиш, майишй шароитлари, истиқбол-лари ҳақидаги мавзун-мезонли фикрлари



миллиардлаб ёшларнинг юракларида акс-садо топмадимикан?! Ахир булар ҳаёт-мамонт билан баробар фикрлар-ку! Одам бўйи ўсимла туриб, бундай қамровли фикр-ларға етиб боролмайди. Зеро, улар бугун-эрта амалиётға айланади. Бу йил кириш имтиҳонларини топширган йигит-қизлар жуда юксак натижаларни кўлга қилтир-лар. Ҳатто одамнинг ишонғиси келмайди. Аммо бу натижалар ҳақиқат ва ҳалол! Президент ташаббуслари кучға кирмап-тимиз?! Янги Ўзбекистоннинг янги авлоди янги марраларға кўтарилмаяптими?! Бу-ларнинг қуввати энергияси, ғайрати эртаға янги стратегия, янги режалар учун тўла ва аниқ намоён бўлажақ. Давлатимиз раҳба-ри ўз нутқида халқаро терроризмға қарши курашнинг глобал стратегияси, Марказий Осиё мамлакатларининг бу офатға қарши биргаликдаги курашларининг режаларини пухта чамаламоқда. Биргаликда дегани-мизда ғалаба нашидалари бор. Президен-тимиз БМТда афрон халқининг жафокаш овози эшитилиб турадиган кўмита ташкил этилишини ёқлаб, фикр билдирмоқда. Бу

тириш ва охир-оқибатда уни йўқотиш, инсо-ният ҳаётидан даф қилиш биринчи ўринда туради. Ўзбекистон бу дастурға тўла-тўқис кўшилди ва ўз тараққиётининг режасига қиритди. Қашшоқлик ва камбағалликнинг йўқолиши ақлнинг очилиши, илм — тарақ-қиётнинг ғалабасидир. Бизнинг тарбиямиз ақл-идрокнинг очилиши, илм-маърифат-нинг тинмай ўсишиға боғлиқ. Маданий-маъ-рифий, одабий одамни етиштириш аъмол-ларимизнинг аъмоли ва биз бунга, албатта, етиб борамиз, албатта, бунга эришамиз.

— Биргина Адиблар хиббони билан боғлиқ жараёнға назар ташласак, талаба ёшлар маънавиятидаги сезиларли ўзгаришлар, ёш ижодкорлар қалбидаги янги тўлқинлар, мулохазалар ва пўртанали саволлар адабиётнинг эртанги кунига ўзгача ишонч ўйғота бошлайди... Ёшларға қандай танбехларингиз ва этирофларингиз борлиғи бизни қизиқтиради...

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru



Адабиёт майдонида ҳозир жимжитлик ҳукми суряпти, деган гапға қўшилмайман. Балки бу сокинлик жимжитликка ўхшаб кўринар, аммо унинг бағрида нималар, кимлар етишаётган экан... Ёлғиз Аллоҳға аён. Киши билмас ёрқин талантлар дунёға келяпти. Талантнинг ўз исёнлари ва яратувлари ҳамиша бўлади. Худо талантларни шунинг учун — бандалари зерикиб қолмасликлари учун яратади. Абдулла Қаҳҳор “Илҳом ҳамма қийинчиликларни енгади”, деган. Талантнинг жингалак сочи илҳомсиз ҳилпирамайди...

— Адабиёт ўз замирида ўз-ўзини ян-гилаб боради. Унга махсус шароит керак эмас. У ҳаёт ва инсон билан чамбарчас боғланган, ҳаёт ва инсон эҳтиёжлари билан яшайди. Шу пайтатча адабиётни турли қолипларға солишға уринишди, уни турли томонлардан чеклашға ҳаракат қилинди. Ҳаёт долғалари Шекспир ва Навоийларни юзаға олиб чиқаверади. Шекспирға, Дан-теға, Саъдийға, Саққокий, Атоийға қолип керак эмас. Уларнинг илоҳий қалби ўз вазилари, ўз ритмлари, оҳангларини му-қаррар суръатда яратаверади. Адабиёт-ни ўз ҳолиға қўйиш керак. Эркин шароит-да халқ ичидан янги талантлар етишиб чиқаверади. Уларни турли “изм”ларнинг қолипларига солишға уринмаслик керак. Эътиқодий кескинликлар адабиётға зарба беради. Бир пайтлар Гоголь шундай зар-балар еган эди. Фитрат, Қодирй, Ўлпон, Беҳбудий ва не-не даҳолар шундай ғай-ринсоний муносабатларнинг қурбонлари бўлдилар. Адабиёт хиббонда кечаётган адабиёт дарсларида устозлар ёшларға инсоният адабиёт ҳақида фикрлаганда, бу сабоқларни ҳеч қачон унутмагани маъ-қул эканини таъкидлашларини истаймиз.

— Адабиётдаги асосий майдоний адабий танқидчиликнинг ўшқир нийоҳи саралаб туради. Негадир ўшқир майдонда бугун жимжитлик ҳукми сурмоқда.

— Адабиёт майдонида ҳозир жимжитлик ҳукми суряпти, деган гапға қўшилмайман. Балки бу сокинлик жимжитликка ўхшаб кў-ринар, аммо унинг бағрида нималар, ким-лар етишаётган экан... Ёлғиз Аллоҳға аён. Киши билмас ёрқин талантлар дунёға кел-япти. Талантнинг ўз исёнлари ва яратув-лари ҳамиша бўлади. Худо талантларни шунинг учун — бандалари зерикиб қол-масликлари учун яратади. Абдулла Қаҳҳор “Илҳом ҳамма қийинчиликларни енгади”, деган. Талантнинг жингалак сочи илҳомсиз ҳилпирамайди...

Ватанпарварлик ва миллатпарвар-лик сингари эътиқодий ҳодисаларни ҳам фақат маънавият билан чамбарчас боғланган ва ундан заррача айрилмаган ҳолдагина тушуниш, шунга яраша саъй-ҳаракатда бўлиш ҳар бир халқ учун чин мўъжизалар яратади. Маънавиятдан маҳрум ватанпарварлик ва миллатпар-варлик ўз-ўзиниғина кўр-кўрона севиш-ва, димоғдорликка, такаббурликка олиб боради, аслини олганда, такаббурлик-нинг жаҳолатдан сира фарқи йўқ. Та-каббурлик ҳам, жаҳолат ҳам, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик, бели-сандилик ҳам маънавиятсизликдан ҳо-сил бўлади.

Сўхбатимизға ҳулоса сифатида бугунги куннинг глобал воқеаларидан таъсирлан-ган ҳолда шунч айтишим мумкинки, умум-инсоният иродаси инсониятни, у қаерда яшамасин, қаерда туғилмасин, қайси ирққа мансуб бўлмасин, бирлаштириб туради. Инсоният бошиға ҳафв тушган кезларда бирлашади. Акс ҳолда, инсоният фашизм вабоси ёҳуд терморядро жалапари ости-да аллақачон йўқолиб кетган бўларди. Бу умуминсоният иродаси уруш офатли-раға қарши курашда, диний, миллий, ирқий терроризм ҳафсини биргаликда бартарай этишда, табиат экотизимларини омон сақ-лаш учун ҳаракатларнинг фаоллашувида, технологияларни ер юзи табиатида ке-ча-диган чексиз жараёнларға оқилона муво-фиқлаштиришға уринишларда тобора кўзға ташланмоқда. Табиат бугун инсониятдан ўзини сақлаш, муҳофаза этиш йўлида фаоллашувлари тобора қатъий тан-лаб қилмоқда. Ё ҳаёт, ё мамонт... Одамзод бундан келиб чиқадиган барча эдидаий, қарама-қарши ҳодисаларнинг бирини тан-лашға мажбур.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА сўхбатлашди.

Тахриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахрират компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Ватан ва она танланмаганидек, биринчи ўқитувчи ҳам танланмас экан. Яъни сенинг биринчи ўқитувчинг сенга Аллоҳ томонидан бериладиган улўғ дарё кабидир. У қандай бўлса, шундай қабул қиласан. Зеро, ўқитувчи ҳам сени қандай бўлсанг, шундай қабул қилгандир.



БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМҒА МАҚТУБ



Зулфия МҲМИНОВА

Азиз муаллим! (Нарпайликлар ўқитувчиларига муаллим деб муро-жаат қиладилар) Биз 26 ўқувчи сиз-нинг қўлингизға, синфингизға келиб тушганимизда ёзиш-чишиш туғул, қалам туттишни ҳам билмас эдик. Ҳали 45 дақиқа партада ўтириш кў-никмасига эға бўлмаган жўжуқлар-дан сиз комил инсонлар тайёрлаш-ни ўз зиммангизға олдингиз.

Сиз бизнинг ҳар биримизни бир-дек яхши кўрдингиз.

Сизнинг меҳрингиз бизнинг ҳар биримиз учун нажот қалъасига ай-ланди.

Сиз бизнинг гўдак тасаввури-мизда одабийликнинг олий гулто-жи бўлиб намоён бўлдингиз. Сиз бизнинг ҳар биримизда гў-зал фазилатларға эға бўлган ин-сонни кўра олдингиз. Биз учун ку-йиндингиз. Биз учун қайғурдингиз. Ўз-ўзидан биз ҳам сизға йигир-ма олти қатлам ипак толаси билан боғландик. Сиз орзу қилган одам бўлишға, сизға муносиб бўлишға интилдик.

Дастлаб “Абдулла Шерназаров-нинг синфи”, “Шерназаровчилар”, дея бизни бутун мактаб эркалатар-ди, сунгра худди шу ном ила биз билан фахрлана бошладилар.

Синфимизнинг 90 фоизи аъло-чилар, қолгани ҳам яхши ўзлашти-рувчилар эди.

Биз учун сизнинг ҳар бир топши-риниғизни бажариш шарт ва за-рур эди. Сизнинг синфда урнатган тартиб-қоидагиз биз учун қонун эди. Сиз бизнинг ота-оналаримиз билан қон-қариндошдек яқин эдин-гиз. Қайси оилада қандай муаммо мавжудлиғини яхши билиб, шун-га яраша муомала қилар эдингиз. Бизда ота-оналар йигилиши жуда гавжум ўтар, йигилишға ота-она-лардан ташқари, бобо ва момолар ҳам тақлиф этилар эди. Бу бизнинг яхши натижасини берар, йигилиш-дан сўнг ҳам боболар ва момолар билан бизнинг иштирокимизсиз сўхбатлашар эдингиз.

Бу анъанаға кейинчалик бутун мактаб ўрганиб кетди. Натижада мен ўқиб ўрган пайтларда бизнинг 9-ўрта мактабда бирорта ҳам ноҳуш ҳолат бўлганини эслай олмадим. Бирорта ота-она боласига тараф-кашлик қилиб мактабға келганини ёки шикоят тўғрйли мактабға чақи-рилганини билмайман. Мактабимиз жамоаси Жабборовлар, Жураевлар сулоласида барча болалар мате-матиклар эканини, Мўминовлар, Ғаниевлар адабиётчилар, Худоё-ровлар тарихчилар, Эшниевовлар, Тошевлар физиклар эканини, жисмоний тарбиядан Қайюмо-лар, Қувватовлар, чет тиллардан Омоновлар фан олимпиадаларида

туман, вилоят босқичларида ғолиб бўлиб келишини билар эди.

Азиз муаллим! Сиз бизни ҳам-ма фанларға қизиқтира билдин-гиз. Биргина мен гоҳ адабиётдан, гоҳ географиядан, гоҳ тарихдан фан олимпиадалари вилоят бос-қичи ғолиби бўлганимни, Самар-қанд шахриға бориб, мукофотлар олиб келганимни яхши эслайман. Гарчи, бу ютуқларға юқори синф-ға ўтганимдан кейин эришган бўл-сам-да, сиз мен учун қанчалар қувонганиғизни кўриб, бошим осмонға етарди.

Бизнинг болалиғимиз пахта як-қаҳокимлиғи давриға тўғри келди. Ўзбекистон қизил империянинг пахта етиштириб берувчиси эди. Ленин номи билан аталувчи кол-хозимиз идорасининг пештоқида ёки томи лойшувоб қилинган дала шийпонимизнинг ёғочига осмиқ қизил байроқ бу ерда энг илғор пахтакорлар ишлашидан далолат бериб турарди.

Одамлар пахтаға қўйиладиган ўғит сувлардан ичар, баъзи уйлар-да сариқ касаллиғи тўғрйли жири-шишиб кетган болалар, турпи-туман юқумли хасталиклар билан оғриган қамқон оналар, нимжон оталар, хали олтимишга кирмаси-дан кексаликнинг дармонсизлиғи



суяк-суякларидан ўтиб кетган дала меҳнаткашлари диёри эди менинг ЎЗБЕКИСТОНИМ.

Тиббий куриклар ўтказилмас, ўзбек онасининг ва боласининг саломатлиғи ҳеч кимни қизиқтир-мас эди. Ўзбекнинг қишлоқлари марказдан шу қадар узоқда эди-ки, тез тиббий ёрдам маъиналари етиб келмас, баъзи аёллар уйларида, туғуруқхонаға етолмай бузилиб қолган араваларда, пах-тазор уватларида, маккажўхори далаларида кўзи ёрар эди. Олдий қурчак ёрилиши тўғрйли азиз одамлар ҳаёт билан видолашар-ди. Биргина бизнинг синфимиз-да менинг, Холбувининг, Отаму-роднинг, Самдинг, Шафотнинг оналаримиз бирин-кетин туғуруқ чоғи ёки бошқа хасталик тўғрйли вафот этидилар. Бу мусибат-лар бизнинг мурғак юрагимизда оғир жараҳатлар қолдирди. Бутун синф бизнинг ярим кўнглимизға қарар, бу ғамжўрликни сиз улар-нинг қалбларига солган эдингиз.

Ожиз ва ногирон кишиларға ғамжўр бўлишни талаб қилдингиз. Уларға бирор нарса берадиган бўлсак, кўз-кўз қилмасликни уқтир-дингиз.

Биз сизнинг ўғитларингизға со-диқ қолдик.

Эндиликда бу ҳикматларни фарзандларимиз ва шогирдлари-мизға етказмоқдамиз.

Азиз муаллим! Ҳаёт дарсини бир умр ўранишдаман. Улўғ устоз-ларнинг сабоқлари умрим йўлған-ни ёритиб турибди.

Аммо бу буюк йўлнинг бошида сиз турибсиз.

Ватаним ва онам олдидаги қар-зини узиб бўлмаслиғимни бил-ганим каби, сизнинг меҳрингиз олдида ҳам қарзимни узиб бўлмас-лиғини ҳаммиша ҳис этаман. Агар шеърларим ва бошқа ёзганларим билан миллат фарзандларига ин-сонийлик аталмиш муқаддас дар-ёдан бир ҳовч сув олиб ичира олсам, ҳаётимдан мамнун бўлар эдим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Вазирлар Маҳкамаси Хўжалик фаолияти бошқармасининг Молия-иқтисодиёт бўлими мудири Ўлмасбой ХОЛМАТОВнинг вафот этганлиғи муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.